O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 май пайшанба

Сотувда эркин нархда № 99 (2396)

**Бугун Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлайди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**24 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари раҳбарлари ҳамда Олий Мажлисда доимий асосда ишлаётган депутатлар иштирокида Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.**

Йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясига тайёргарлик ишлари натижаларига якун ясалди. Парламентнинг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тузилган махсус депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари Б. Бугровнинг қонун лойиҳалари, сессияга доир бошқа материаллар муҳокама учун тайёр эканлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Олий Мажлис қўмиталарининг раҳбарлари қонун лойиҳалари устидаги ишлар келиб тушган таклифлар ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда охирига етказилганлигини маълум қилдилар, Олий Мажлиснинг бўлажак сессиясини ташкил этиш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Йиғилишда Кенгашнинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й.Назаров қатнашди.



# КАМАРБАСТАЛИК

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фойесидан репортаж

Салобатли одамлар бўлади. Ҳар гал улар билан учрашганингизда вужудингизни ғайритабиий куч залвори босиб қолади.

Яна салобатли бинолар бўлади. Ҳар гал уларнинг ёнидан ўтганингизда ёки ичкарисига кирмоқликка мушарраф бўлганингизда ана шундай залвор босиб кетади, сизни. Нега? Демак, сизда ана шундай одамлар, шу тахлит бинолар олдида масъулият ҳисси бор. Уларга нисбатан ишонч туйғуси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳташам биноси ҳам ана шулар сирасига киради. Чунки бу ерда халқ, юрт келажаги, фаровонлигига тамал тоши қўйилади. Демак, унинг ҳар бир пештоқию ҳар битта равоқида улкан масъулият мужассам.

Шу кунларда мазкур бино икки карра салобат касб этмоқда. Чунки бу ерга халқ дарди, ўю ташвишини елкасига ортмоқлаган депутатлар йиғилдилар. Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясига элнинг истиқболи кўшкига яна бир пиллапоя қўймоқ учун.

Соат тўққизга яқинлашаяпти. Олий Мажлиснинг биносига қадам қўямиз. Бино ичкарисидаги фавворалар гувиллаб отилиб турибди. Бу – бинодаги жўшқинликнинг рамзий ифодаси бўлиб кўринади, кўзимизга.

Депутатларни рўйхатга олиш залига ўтамиз. Юқоридаги рамзий жўшқинликнинг асл сувратини кўрамиз бу ерда. Тўрт тарафда тадорик. Залга кираверишда китоб савдоси ташкил қилинаяпти. Депутат маънавий бой бўлиши керак. Китобсиз маънавиятни тасаввур қилиб бўладими?

Залнинг тўрида қатор компьютерлар ўрнатилган. Унинг атрофида бир талай қизлар куймалашиб туришибди. Бир оз ҳаяжон қуршовида. Бугунги куннинг асосий нуқтаси шу ерда кечади. Бу ерда депутатлар рўйхатга олинади.

– Ҳаяжонланяпсизларми, қизлар? – сўраймиз улардан. – Шошиб қолмайсизларми?

– Ҳаяжонланяпмиз, лекин шошиб қолмасак керак. Ишимизни пухта биламиз.

Биз тонгги тараддуд таассуроти теварагида андармон бўлиб турганимизда, бирин-кетин депутатлар кириб кела бошлашди.

Уларни четдан кузатамиз. Ҳар бирининг юз-кўзида чуқур ҳаяжон зоҳир. Бу, аввало, янги сессия олдидаги туйғулар жунбуши. Иккинчидан, эл-юрт ишончи олдида масъулият ҳаяжони.

Депутатлардан бир нечтасини суҳбатга тортамиз.

**Худойберди БОЙМУРОДОВ, 122-Тайлоқ сайлов округи:**

*– Аввало, сессияда қабул қилинадиган ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритиладиган Қонун лойиҳаларининг барчаси халқ фаровонлиги, келажаги, юрт равнақи учун қаратилган. Шу маънода, сессия кун тартибига киритилган ҳар бир масала аҳамиятли. Шахсан мен Жисмоний тарбия ва спорт, фуқаролар муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларимни бердим. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Президентимиз Ислом Каримов депутатларнинг назорат-таҳлил фаолияти устуворликлари тўғрисида бежиз айтмадилар. Қонунларнинг жойларда тўла амалиётига эришсакгина, ўз мақсадимизга етган бўламиз. Бу борада ҳар бир депутат ўзини масъул деб билиши керак.*

**Алиқул ЭРДОНАЕВ, 231-Кўкдала сайлов округи:**

*— Сессия кун тартибига бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш учун хизмат қилувчи қонунлар киритилган. Мен «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мазкур қонун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади деб ўйлайман. Мазкур қонун бўйича «аудитор жавобгарлиги»нинг жорий этилиши аудиторлик фаолияти масъулиятини янада оширади. Яна қонун бўйича вазирликлар, ассоциациялар қошида аудиторлик ташкилотлари тузиш таъқиқланади. Бу аудиторлар мустақиллигини таъминлайди.*

**Замирахон ОХУНОВА, 179-Чорсу сайлов округи:**

*— Шифокорлигим, ҳам Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси бўлганлигим учун «Экологик экспертиза тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор бердим. Уларга оид ўз таклиф ва мулоҳазаларимни билдирдим. Тараққиёт, ривожланиш атроф-муҳитга, инсонга таъсир кўрсатмаслиги керак. Шу маънода мазкур қонунлар, улар қаторида сессия кун тартибига киритилган бошқа барча масалалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг барчасида инсон омили ётади.*

* * *

Биз яна кўплаб депутатлар билан мулоқотда бўлдик. Турли фикр-мулоҳазалар билдиришди. Лекин бир жиҳатдан уларнинг барчаси якдил. Барчаси халқ кори, мамлакат истиқболи учун камарбаста. Зеро, халқ ишончи деб аталмиш кўзгу ҳамиша уларнинг кўз ўнгида. Энг асосийси, шу кўзгуга гард юқмасин.

**Асқар ШОКИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТДА: депутатлар учрашганда...**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМИЙ УЙҒОНИШ

**Янги минг йиллик арафасида бўлиб ўтган Парламент ва Президент сайловлари Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш йўлидан изчил боришида муҳим бир босқичдир.**

**Маълумки, ушбу сиёсий жараёнда кўпгина хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг кўп сонли кузатувчилари ҳам иштирок этдилар. Таклиф қилинганлар орасида машҳур аллома Шайх Хишам Қаббоний жаноблари раислик қилувчи Америка Ислом Олий Кенгашининг делегацияси ҳам бор эди.**

**Ўзбекистон Президенти сайлови кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди, жаҳон оммавий ахборот воситаларида ушбу воқеани шарҳловчи кўпгина таҳлилий мақолалар чоп этилди. Жумладан, Америка Ислом Олий Кенгаши делегацияси аъзолари ҳам, ўз ватанларига қайтиб боргач, республикамизда бўлиб ўтган сайловлар ҳамда Ўзбекистон мусулмонларининг кундалик ҳаёти тўғрисида кўнгилларида туғилган фикр-мулоҳазаларини матбуотда баён этдилар. «The Muslim» Америка журналининг сўнгги сонларидан бирида Америка Ислом Олий Кенгаши Бош котиби, доктор Ҳедия Мираҳмадийнинг «Ўзбекистонда Исломий уйғониш» номли мақоласи босилиб чиқди.**

Америка мусулмонлари жамоатчилиги катта қисмининг вакиллари сифатида, деб ёзади доктор Ҳедия Мираҳмадий, Америка Ислом Олий Кенгаши делегациясига фақат Ғарб андозаларидан келиб чиқиб эмас, балки энг аввало, Ислом дини тарихи ва унинг тамойилларига таяниб Ўзбекистондаги Президент сайловига мустақил баҳо бериш имконияти яратилди. Америка Ислом Олий Кенгаши делегацияси аъзолари Ўзбекистонга ташрифлари мобайнида ўзларига кўрсатилган ғоятда илиқ ва самимий муносабатдан беҳад мамнун бўлдилар.

Биз мусулмон қавмига мансуб фуқаролар сифатида, асосий аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган ушбу мамлакатни бошқараётган ҳукумат адолат ва тартиб-қоидаларнинг исломий анъаналарига амал қилаяптими, деган саволга жавоб топишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ва шунга ишончимиз комил бўлдики, Ўзбекистонда бундай андозаларга тўла-тўкис риоя қилинмоқда экан.

Мақола муаллифи Ўзбекистонда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан халқнинг ўзига Йўлбошчи танлаш хоҳиш-иродаси хусусида тўхталади. Ислом андозаларига кўра ҳам, дейди у, сайловда халқнинг ҳақиқий кўпчилик овозига эга бўлган номзодгина раҳнамо сифатида қонуний тан олинади.

Мақолада Ўзбекистонда сайловлар пайтидаги овоз бериш жараёни таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қилинган.

Ўзбекистонда, дейилади мақолада, бутун мамлакат аҳолиси сайловга қатнашиб, бир кун ичида овоз беришга улгурдилар. Республиканинг барча туманларида сайлов участкалари ташкил этилган. Ҳар бир сайловчининг исми-шарифи, манзили олдиндан тайёрланган рўйхатларга киритилган. Сайловда овоз бериб бўлгач, сайловчининг номи рўйхатдан ўчирилади. Бундай тартиб овоз беришдаги ҳар қандай тартиб бузилишларнинг олдини олади. Сайловчилар ҳар бири алоҳида ажратилган хоналарга кириб, муҳрланган сайлов қутиларига ўз бюллетенларини ташлайдилар. Овоз бериш жараёнида сайловчиларни номзодларнинг бирортаси учун зўрлаб овоз беришга олиб келувчи тазйиқ кўрсатиш ҳолатлари зинҳор кўзга ташланмади.

Америка Ислом Олий Кенгаши вакиллари олдиндан келишувларга бормай, ҳеч бир огоҳлантиришларсиз шаҳарлардаги бир неча туман сайлов участкаларига бориб, ҳақиқий аҳвол билан танишдилар. Уларнинг ҳар бирида сайлов участкалари раислари сайловнинг бориши тўғрисида кузатувчиларга ахборот бердилар, рўйхатга олинган сайловчиларнинг қайси вақтда қанча миқдори овоз беришга улгурганлиги тўғрисида зарур маълумотлар билан бизларни таништирдилар.

Ўрта ҳисобда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 70 фоизи кун пешинга оғмасдан ўзлари хоҳлаган номзод учун овоз беришга улгурганлар.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА

Кеча Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Қ.Жумабеков бошқарган ушбу йиғилишда сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди.

Қўмита аъзолари сессия муҳокамасига тавсия этилаётган «Экологик экспертиза тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисидаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 1999 йилдаги иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилган мажлиси ҳақидаги ахборот ҳам тингланди. Йиғилиш сўнгида қўмитанинг иш режаси муҳокама қилиниб, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси А. Турсунов олиб борди.

Йиғилишда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, қўмитанинг иш режаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қўмита раиси ўринбосари И. Собиров ахборот берди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг йиғилишини қўмита раиси И. Қаландаров олиб борди.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилаётган масалалар кўриб чиқилди. Қўмита аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ, Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, шунингдек, сессия кун тартибига киритилаётган бошқа масалалар юзасидан қизғин фикрлашдилар. Сўнгра қўмита аъзолари ушбу муҳим ҳужжатлар мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, маъқулладилар, кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Вақт нуқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг йиғилиши узоқ давом этмади. Лекин анчайин кўтаринки руҳда ўтди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Энг муҳими, йиғилишда жўяли таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Чунончи, комиссия раиси М. Миралимов амалга оширилган ва олдинда турган вазифалар хусусида сўз юритаётиб, ҳамон матбуот саҳифаларида, турли ташкилот-муассасалар фаолиятида айрим меъёрий-ҳуқуқий атамалар нотўғри қўлланаётганини эслатди. Келгусида бундай ҳолларга чек қўйиш учун янги ва ислоҳ қилинган атамаларнинг алифбо бўйича тартибга келтирилган луғатини яратиш давр талаби эканлигини таъкидлади. Бу каби хайрли ва масъулиятли вазифаларни адо этишда, одатдагидек, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Атамалар қўмиталари билан биргаликда бамаслаҳат иш юритиш мақсадга мувофиқлиги уқтирилди.

Йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари маъқулланди. Шунингдек, комиссиянинг 2000 йилги иш режаси тасдиқланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Бўлиб ўтган Олий Мажлис Ёшлар ишлари комиссияси йиғилишини комиссия раиси Ф.Абдухолиқов олиб борди. Унда дастлаб сессия кун тартибига қўйилаётган масалалар муҳокама қилинди ва комиссия аъзолари томонидан маъқулланди. Комиссиянинг яқин йилларга мўлжалланган иш режаси, ўтган вақт давомида комиссия томонидан қилинган ишлар ва жорий йил иш режасига масъуллар тайинлаш тўғрисида комиссия раиси ахборот берди.

Ундан сўнг сессия муҳокамасига янги таҳрирда киритилаётган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Бу ҳақда комиссия аъзоси Ҳ.Абдураимов йиғилганларга ахборот берди. Комиссия аъзолари янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар. Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбирларимиз.**

# ҲАР БИР ЛОЙИҲА МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ

Бизнинг қўмитамиз томонидан Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига 3 та қонун лойиҳаси киритилаётган бўлиб, улардан бири «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» деб аталади. Бу янги таҳрирдаги Қонун лойиҳаси нима учун зарур?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун бундан тўққиз йил аввал қабул қилинган эди. Тажриба шуни кўрсатдики, мазкур Қонун иқтисодиётни, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан бозор усулларига босқичма-босқич ўтиш чоғида, яъни иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида ижобий аҳамият касб этди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда, шунингдек, ушбу Қонунни тартибга солишга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган бир қатор бошқа қонунлар ҳам қабул қилинди. «Божхона тарифи тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари ва чоралари тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Божхона ва Солиқ кодекслари шулар сирасига киради.

Бироқ жамиятда юз берган ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлини изчил олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш — буларнинг бариси ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларини жаҳон савдо тизими нормалари ва қоидаларига мослаштириш мақсадида янги таҳрирдаги Қонунни қабул қилишни талаб этди.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси 31 та моддадан иборат (амалдаги Қонунда 20 та модда мавжуд эди). Унга ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги; савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўймаслик; ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор ахборотларни олиш эркинлиги; Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларидан устуворлиги каби янги қоидалар киритилган.

Хорижий шериклар билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар сифатида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг асосий шакллари ҳам белгилаб берилган. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик, ташқи савдо фаолияти, чет эл инвестицияларини жалб этиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти шулар жумласидандир.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўз ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмаларини очишдан хабардор қилиш тартиби ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кафолатига бағишланган моддалар, айниқса, лойиҳанинг энг муҳим нормалари ҳисобланади. Чунончи, низоларни ҳал қилиш учун қўлланилаётган ҳуқуқнинг судга дахлдорлигини аниқлашда амалдаги Қонундан фарқли равишда шартнома қоидаларига устуворлик берилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ЮСАИД (Халқаро тараққиёт бўйича Америка агентлиги), ГТЦ (Техникавий ҳамкорлик бўйича Германия жамияти) ва КЕС (Европа Иттифоқи Комиссияси)нинг эксперт баҳолари ва хулосалари эътиборга олинган.

Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишда тегишли вазирликлар, қўмита ва банкларнинг мутахассислари қатнашдилар.

Энди яна бир Қонун лойиҳаси — «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси хусусида тўхталадиган бўлсак, у бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Гап шундаки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари сонини 2 баробар кўпайтириш, уларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушини 25 фоизга етказиш вазифаси ўртага қўйилди. Бу мақсадга, албатта, кичик ва ўрта бизнесга эркинлик бермасдан туриб, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатламасдан эришиб бўлмайди.

Янги Қонун лойиҳаси 6 боб ва 51 моддадан иборат. Хўш, унинг асосий жиҳатлари ва янги нормалари нималардан иборат?

Унда нафақат кичик ва ўрта бизнес субъектлари, балки якка тартибда иш юритувчи тадбиркорлар фаолияти турлари ҳам аниқ-равшан тавсифлаб берилган. Хусусан, якка тартибдаги фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар давлат рўйхатига олингани дан сўнг солиқ органлари ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг «Пенсия» жамғармаси бўлинмаларида ҳам ҳисобда туришлари кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасининг алоҳида 18-моддасида эса тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатлари белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини эркин сотишлари, даромадлари (фойдали) ва пул маблағларини эркин тасарруф этишлари бўйича ҳам кафолатлар берилган. Айни чоғда тадбиркорлар мулкий ҳуқуқ кафолатларидан фойдаланган ҳолда, хомашё, товарлар ва хизматлар бозорига эмин-эркин кириб боришлари мумкин. Деҳқон ва фермер хўжаликлари эса ер участкаларида етиштирилган ҳосилни эркин тарзда сотишлари билан бир қаторда моддий техника ресурслари, уруғлик, дарахт кўчатлари, наслдор қорамоллар ва сув билан таъминланадилар.

Қонун лойиҳасининг 30-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантириш учун давлат томонидан бюджетдан ташқари фонд маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратилади.

Янги Қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, унда тадбиркорлик субъектларини ҳуда-беҳуда текшириш жараёнлари ҳам чеклаб қўйилган.

Умуман, бугун ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлис иккинчи сессиясида қатор ҳужжатлар қаторида мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мустақил республикамиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

**М. УМАРАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бугун, 25 май куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари бугун, 25 май куни эрталаб 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинадилар.




## ЧЎЛ ИПАГИ

Улуғнор тумани пиллакорлари хориждан келтирилган минг қутиси ипак қуртидан 48 тонна аъло сифатли саноат хомашёси териб олишди. Режа вилоятда биринчи бўлиб адо этилди. Ҳосилдорлик ҳар қути ҳисобига ўртача 52 килограммданга тўғри келди.

Деҳқончиликнинг илк ҳосилидан баракали хирмон уйилишида «Мингбулоқ», Мирзаахмедов номли жамоа хўжаликлари пиллакорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ипак тола ижодкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 4 тонна пилла йиғиштириб олишга киришдилар. Вилоят хўжаликларида пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

